# КУЧ — АДОЛАТДА

2013 йил
11 январь,
жума
№ 1-2 (411)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**II даражали**
**"Шон-шараф" ордени**
**билан**

**Ахмедов Суннатила Маматалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кувватов Рустам Мамарасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Кутлимуратов Илхам Мадиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нарзиев Акрамжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Пардаев Хусанали Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошқарма бошлиғи

**Сайфудинов Зокиржон Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**"Дўстлик"**
**ордени билан**

**Ким Инесса Коминтерновна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра профессори

**(Давоми иккинчи бетда)**

# ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташкилий жиҳатдан мукаммал, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроқ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди.**

**Қуролли Кучларимизда туб ўзгариш, янгиланишлар жараёни босқичма-босқич олиб борилди. 1991 йилнинг 31 августида "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш имконини яратди. Мазкур қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнот ўз Қуролли Кучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларга 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.**




Юртбошимиз раҳнамолигида 1992 йилнинг 14 январида республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар мустақил давлатимиз тасарруфига олиниб, 1993 йилнинг 23 декабрида эса, Олий Кенгашнинг навбатдаги қарори билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгартирилди. Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмалар, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши самарасида армиямиз қиёфаси тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига муносиб зарба бериш қобилияти ошди.



Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Собиқ тузум даврида йигитларимиз ҳарбий хизматни юртимиздан олисда бўлган ҳарбий қисм ва қурилиш батальонларида ўташга мажбур эди. Аскарлар ўртасидаги носоғлом муҳит, тенгсизлик ва инсон шахсини камситувчи турли иллатлар оқибатида ўша даврда ёшлар иложи борича ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қиларди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*E`tirof*

# Мардларга муносиб мукофот

**Мустақиллик йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқимиз ҳаёти хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Бунинг самарасида тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армия ташкил этилди. Миллий армиямиз мустақиллигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатига, ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиниқтириш билан бирга, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларни шакллантирадиган мактабга айланди.

Қуролли Кучларимиз сафларида бугун минглаб мард ўғлонлар Ватанимизга садоқат билан хизмат қилмоқда. Улар орасида мамлакатимиз миллий хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда, тинчликни ва осойишталикни мустаҳкамлашда мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган кўплаб ҳарбий хизматчилар ҳар йили давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.



Хусусан, биргина 2012 йилда, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги арафасида эълон қилинган Президент фармонига кўра, фидокорона хизмат кўрсатган етмиш нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар "Фидокорона хизматлари учун", "Меҳнат шуҳрати", "Шон-шараф" орденлари, "Содиқ хизматлари учун", "Жасорат, "Шуҳрат" медалларига сазовор бўлди.

Аҳамиятлиси, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ҳарбий хизматчилар меҳнатини эъзозлаш учун яна бир юксак давлат мукофоти — "Мардлик" ордени таъсис этилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Бағрикенглик — улуғ фазилат

**Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик фазилатлари қонунчилигимизда акс этиши билан бирга амалиётда ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор бунинг ёрқин далилидир.**

Мазкур қарорда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилган. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларнинг ҳам жазодан озод қилиниши белгиланган.

Шу кунларда жиноят кўчасига адашиб кириб қолган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган аёллар амнистия туфайли оиласи бағрига қайтишмоқда. Масалан, Мадина Абдуллаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2012 йил 6 ноябрда ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан, ўзининг яшаш хонадонида 110 дона беш литрли пластмасса идишлардаги пахта ёғини 2 миллион 475 минг сўмга сотаётган вақтда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Фарғона шаҳар бўлими ходимлари томонидан ашёвий далилар билан қўлга олинган.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Қарз шартномаси

## у билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг қонуний асослари

**Фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, хусусан, қарз олиш ва қарз бериш шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Бу ўзаро ишончни таъминлаш билан бирга, қарзни қайтармаслик каби муаммолар келиб чиққанда уни қонуний йўл билан ҳал этишга имкон яратади. Айтиш жоизки, қарз шартномаси билан боғлиқ низолар асосан суд тартибида ҳал этилади.**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти туманлараро судларида ҳам бу тоифадаги низолар қонун доирасида кўриб чиқилиб, ҳал этилмоқда.

Мисол учун даъвогар Н.Йўлдошева судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар Б.Қудратовадан берган қарзини олиб беришни сўраган. Маълум бўлишича, улар бир маҳаллада истиқомат қилишади. Б.Қудратова Н.Йўлдошевадан тилхат орқали 780 минг сўм олган. Аммо у қарзини қисқа вақтда қайтаришга ваъда берган бўлса-да, бунинг уддасидан чиқмаган.

Қарздор кейинчалик яна уйининг ҳужжатларини расмийлаштириш учун пул зарурлигини айтиб, ундан 2.560.000 сўмни тилхат орқали олган. Тўғри, қарздор орадан уч-тўрт ой ўтгач, 220 минг сўмни қайтарган. Лекин асосий қарзнинг 3 миллион 120 минг сўмини қайтармасдан келган.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар босқичма-босқич равишда амалга ошириб келинмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва давлат қурилиши соҳалари билан бир қаторда ҳуқуқий тизимда ҳам муҳим янгиланишлар рўёбга чиқарилди.**

*Huquqiy ma`rifat*

# Шартли ҳукм

## уни қўллаш тартиби ва аҳамияти

Бу борада Асосий қонунимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Жаҳон стандартларига ҳамда миллий ҳуқуқий тизимимизга мос келувчи янги қонунлар қабул қилинди. Хусусан, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга оид муҳим қадамлар қўйилди. Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодекслари халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштирилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

**"Мардлик" ордени билан**

**Абдурахмонов Абдували Абдубаннобович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Кучкаров Музаффар** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи

**Кўчкаров Мухаммаджон Махмудович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Норов Учкунжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Раджабов Тимур Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Нуриддин Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Марат Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Бахронкул Суюнқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**"Жасорат" медали билан**

**Бадалбаев Хасан Махкамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Баймурзаев Даврон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Джураев Элбек Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ йўриқчиси

**Зоиров Алишер Тураевич** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

**Идрисов Жамшиджон Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси

**Қабулов Куанишбай Жалгашович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Касимов Мирзокир Джураваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маматкулов Аббасхон Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Мансуров Шерали Маматкобилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Менгнаров Зиядулла Ашурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзабаев Тўлқинбай Исраилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Абдулносир Назиржанович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мирзаев Бобомурад Давранбаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Мусаев Рахмонали Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Омонов Жалолбек Нейматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орипов Жасурбек Бегмуротович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Отохонов Абдулазиз Мусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Охунов Элмурод Мадаминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси

**Пардаев Рахмиддин Нуруллоевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

**Расулов Азиз Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Жалолиддин Орзикулович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Расулов Шухрат Уткирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг бўлинма бошлиғи

**Сариев Улуғбек Мавланович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби район бошлиғининг ўринбосари

**Сиддиков Рустам Хасанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Эркинжон Нормуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командирининг ёрдамчиси

**Тураев Алимардон Дусчанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Турсунов Шерали Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Улмасов Ганижон Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Формонов Обиджон Ахмедович** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хайтматов Жамолиддин Хакимович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Халилов Санжар Каршибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжаев Хурсандбек Шарипович** — Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Ходжаев Эргаш Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ бошлиғи

**Холикулов Шерзод Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шорахимов Фирдавс Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эркабаев Акмалжон Джурабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Юнусов Ортиқ Вагиз ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Бойбури Дускобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Янгиев Аброр Поёнович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ мутахассиси

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Абдувалиев Низомиддин Мамаражабович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Аллаяров Отабек Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Арипов Ризокул Сайиткулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма бошқарма бошлиғи

**Асатов Акбар Ахрорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ бошлиғи

**Ахадов Акбар Арзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Ачилов Нурали Даврановnatural** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Байчаев Мурад Бахоралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Бегимкулов Одил Абдурашитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ командирининг ўринбосари

**Бердиев Улаш Курбанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Бозоров Атхамжон Салижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта механиги

**Ботиров Зайнобиддин Серобиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Гутарев Александр Семенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлим бошлиғи

**Жиянбаев Ойбек Мусулманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ибрагимов Ойбек Мирзаибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иногамов Фахритдин Купаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Исамов Исмоил Собирович** — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи

**Кадиров Джамалиддин Жаббаркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Азамат Очилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Каримов Давронбек Реиммович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиғи

**Кахрамонов Зариф Туфлиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Мирзаев Мирағзам Ахатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Миррахимов Мирали Махмутжонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Намазов Олимжон Назарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Ниязимбетов Содик Кенгашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Нормурадов Абдуназар Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби йўриқчиси

**Нуритдинов Фарход Сайфутдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Асрор Мирзахматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахимов Сарвар Сапарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Рахманкулов Акмал Бердикулович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғининг ўринбосари

**Солиев Нодир Нуридинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Сулаймонов Бехзод Боходиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғининг ўринбосари

**Тажибоев Дилшодбек Дилмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуруҳ командири

**Темирханов Байрамбай Жолдасбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошев Одил Зойирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм взвод командири

**Тўхтаев Алишер Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Утаев Анвар Гуччиевич** — Навоий ҳарбий прокурори

**Халимов Тимур Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Хасанов Джамшед Абдугафарович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Хатамов Ахрorжон Валижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хван Виктор Иванович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма участка бошлиғи

**Шакаримов Александр Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамбердиев Дилшод Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

**Эшматов Азизбек Абдукодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта техниги

**Эшонов Муродхўжа Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Хаётжон Улмасжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Юлдашев Шокиржон Юсуфжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Юлдашев Шухрат Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма хизмат бошлиғи

**Якубов Равшан Нуржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**Ярцев Олег Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдураимова Шахидахон Мирджалиловна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра доценти

**Атаджанова Лобар Шавкатбековна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Ахмедов Файзулло Шохобович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Балашова Галина Абдурахмановна** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра мудири

**Карпушев Рафаат Равильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Клиновой Виталий Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

**Мамадалиев Жўрақул** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг шифокор-жарроҳи

**Мамаджанов Акмалжон Абдумуталович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди катта механиги

**Матвеева Антонина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Термиз ҳарбий госпиталининг бош ҳамшираси

**Матякубов Расулбек Сабирович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Махсудов Бобир Эламонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Менгноров Абдимумин Усанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг назоратчиси

**Мурзаев Баходир Сабирович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Хоразм вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари

**Нарзиев Михаил Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Орзиев Собиржон Кузибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Ризамухамедов Обид Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Салихов Шовкат Саньатович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар божхона бошқармаси божхона текширувлари ва суриштирув бўлими бошлиғи

**Узакбаев Сафарали Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Хайдаров Альберт Каршиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хакимов Бектош Холдорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халимов Мирзохид Зарипович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони отряд командири

**Хашимова Динора Фазиловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғининг ўринбосари

**Худойберганов Дилшоджон Хусанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гурух командири

**Ҳўжамуротов Анвар Ботирович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Юсубов Давлет Абдушарипович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 10 январь

*Hikmat*

## Донолар дейдиларки

***Ҳаётдаги энг фойдали нарса ўз тажрибангдир.***

* * *

***Яхши нарса ҳурматга сазовордир, ҳурматга сазовор нарса ҳар доим яхшидир.***

* * *

***Бир ишни тўла-тўкис бажаришга ваъда бердингизми, албатта, бажаринг.***

* * *

***Илк тарбия ҳамма нарсадан ҳам муҳим бўлиб, у шубҳасиз, аёллар зиммасидадир.***

* * *

***Ҳаракат — ҳаёт хазинаси.***

* * *

***Соғайишга ишонч — ярим соғайиш деган сўз.***

* * *

***Ҳар қандай туманда ҳам йўл топса бўлади. Энг муҳими бўш келмаслик ва олға юришдир.***

* * *

***Ўз вақтининг лоақал бир соатини беҳудага ўтказмоқчи бўлган кишини ҳаётнинг бутун қадр-қимматини ҳали тушуниб етиш даражасига бормаган деса бўлади.***

*Huquq va majburiyat*

# Фарзанд тарбияси

## ота-она зиммасига масъулият юклайди

**Оиланинг тинч-тотув ва аҳил эканлиги инсоннинг камолотга етишувидаги энг муҳим омилдир. Зеро, соғлом фикрли, ота-онанинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашини ҳис қилган, шундан куч олган фарзандлар ўзлари ҳам ишончни оқлашга ҳаракат қилишади.**

Айтиш керакки, Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги қайд этилган. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарори ёхуд буйруғига асосан алимент ундирилиши ҳам қонунда белгиланган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 122-моддасига биноан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига кўра, ундирилиши лозим бўлган алиментни уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик эса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Афсуски, баъзан ҳаётда ўз фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун Қарши туманида яшовчи Рустам Турсунов 2003 йилда ҳамқишлоғи Муҳаббат Амирқуловага кўнгил қўйиб уйланади. Тўғри, турмушларининг дастлабки йилларида улар бинойидек яшашди. Аммо кейинчалик ҳамма кўрса ҳавас қилгулик бу оилага "кўз тегди". Эр-хотин ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликлар, қолаверса, ноўрин гап-сўзлар туфайли аста-секин оила қўрғони дарз кета бошлади. Охир-оқибат Муҳаббат фарзанди билан ота уйига қайтиб келди. Оилани сақлаб қолиш учун яқин қариндошлар ва маҳалла кайвониларининг ҳаракатлари ҳам зое кетди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди бу оилани сақлаб қолишнинг имкони бўлмагач, эр-хотин ўртасидаги қонуний никоҳни бекор қилди. Шу билан бирга суднинг буйруғида уларнинг вояга етмаган фарзанди Алибекнинг моддий таъминоти учун то у 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисмини жавобгар Рустам Турсунов ҳисобидан тўлаб бориш қайд этилди.

Бироқ масъулиятни унутган Р.Турсунов суд ижрочилари томонидан бир неча бор огоҳлантирилишига қарамасдан, турли баҳоналарни рўкач қилиб, фарзанд учун тўланиши лозим бўлган алиментни тўламади.

Шундан сўнг М.Амирқулова жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судига мурожаат қилди. Суд Р.Турсуновнинг қилмишини муҳокама этиб, ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан унга нисбатан маълум муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Шунингдек, суднинг ҳукми билан жабрланувчи М.Амирқулова фойдасига айбдор Р.Турсуновнинг ҳисобидан 1 миллион 461 минг 934 сўм алимент ундириладиган бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, оилада ҳаётимиз давомчилари, жамият келажаги бўлган фарзандлар униб-ўсади. Оила қураётган ҳар бир йигит ва қиз, энг аввало, комил фарзандларни тарбиялашни ният қилар экан, умр йўлларида бунга риоя этсалар, болаларини меҳр ардоғида катта қилсалар, келгусида бунинг ширин мевасини албатта, тотишади. Турли баҳоналар билан фарзандни меҳр-мурувватдан маҳрум этиш эса, инсонийликка асло хос эмас.

**Шавкат ТУРДИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*



*Қиш зийнати*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Қарз шартномаси

## у билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг қонуний асослари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Н.Юлдашеванинг даъвоси қаноатлантирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2012 йил 29 июндаги ажримига кўра, биринчи инстанция судининг мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Олий суд Пленумининг **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарорининг 13-бандига асосан қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этади.

Даъвогар Г.Абдураҳмонова жавобгар А.Улуғовга нисбатан қарз ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган. Даъвогар жавобгарга 1 миллион 390 минг сўм қарз берган. Лекин берган пулини қайтариб ололмаган. Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига қарз суммаси ундириб берилган. Даъвонинг маънавий зарарни ундиришга оид қисми рад этилган.

Айрим ҳолларда туманлараро судлари томонидан қарз шартномаси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда хатоликларга йўл қўйилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Жумладан, даъвогар Ў.Турсуналиева жавобгар К.Холматовага нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгардан 3 минг АҚШ долларининг Марказий банк томонидан белгиланган давлат курси бўйича қийматини ундириш белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримига кўра, мазкур иш юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар хорижда ишлаб юрган вақтида қизи Б.Холдибоева ва куёви Г.Холдибоевлар уй-жой сотиб олиши учун, ёрдам тариқасида, уларга пул жўнатиб турган. Қизи ва куёви у жўнатган пулларга жавобгар К.Холматованинг Олмалиқ шаҳрида жойлашган квартирасини сотиб олмоқчи бўлишган. Улар жавобгар билан учрашиб, уйни 7,5 минг АҚШ долларига ўзаро олди-сотди қилишга келишишган. Шундан сўнг жавобгар

К.Холматова даъвогарнинг куёви Г.Холдибоевдан уй-жой учун жами 3000 АҚШ долларини гувоҳ иштирокида тилхат орқали олган. Кейинчалик даъвогарнинг қизи куёви билан келиша олмаган ва куёви уйдан чиқиб кетган. Даъвогарнинг қизи уй-жой учун қолган 4,5 минг АҚШ долларини жавобгар К.Холматовага бера олмаган. Шундан сўнг жавобгар фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уларни уйдан кўчиришни сўраган. Мазкур суднинг ҳал қилув қарорига кўра, К.Холматованинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Ҳозирда даъвогар Ў.Турсуналиева уй-жой учун пулларни ўзи жўнатганлиги учун жавобгардан 3 минг АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундиришни сўраган. Биринчи инстанция суди иш ҳолатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан, тарафлар ўртасида қарз ёки бошқа шартнома тузилмаганлигига, бу ҳақда ёзма далиллар мавжуд эмаслигига эътибор бермасдан, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар Ў.Турсуналиева ва жавобгар К.Холматова ўртасида ҳеч қандай қарз шартномаси тузилмаган. Аксинча, жавобгар К.Холматовага тегишли хонадон бўйича хомаки битим даъвогар Ў.Турсуналиеванинг куёви Г.Холдибоев ва жавобгар К.Холматова ўртасида тузилган. Агар хонадон учун 3 минг АҚШ долларини жавобгар К.Холматова даъвогар Ў.Турсуналиеванинг қизи Б.Холдибоева ва куёви Г.Холдибоевдан олган бўлса, у ҳолда Б.Холдибоева ёки Г.Холдибоев судга пулларни қайтариш масаласида алоҳида даъво талаби билан мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 312-моддасига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатига тўғри келмаслиги ва моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суд қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ҳақли равишда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарган.

Хулоса қиладиган бўлсак, судлар томонидан қарз шартномасидан келиб чиқадиган низоларни тўғри ҳал этилиши фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга асос бўлади.

**Абдураҳмон САФОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, нотариуслар томонидан қандай ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатланиши мумкин?***

***О.БЕРДИЕВ,***
*Чуст тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддаси 9-банди, Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларнинг амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 25-бўлим 293-294-бандларига асосан, нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

**Саволга Наманган шаҳар 10-сон давлат нотариал идораси нотариуси М.Абдураҳмонов жавоб берди.**

*Jinoyatga jazo muqarrar*

# Қинғир ишнинг қийиғи



*Суд очерки*

**Ҳаётда инсон қайси касбни танлашидан қатъий назар пешона тери тўкиб ҳалол меҳнат қилса, ишида унум, топганида барака бўлади. Бошқача айтганда, инсонни фақат ҳалол меҳнати улуғлайди.**

Бироқ Маҳмуд Комилов (исм-шарифлар шартли) ҳамда Сардор Саидов ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки тўғри йўл қолиб, эгри йўлнинг бошини тутган бу ҳамтовоқлар ўз фаолиятлари давомида бир қатор ноқонуний қилмишларга қўл уришгани туфайли Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбдор дея топилди.

Гап шундаки, Маҳмуд Комилов маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган "Komfort standart plyus" шўъба корхонаси раҳбари лавозимида фаолият юритиб келар экан, қисқа муддатда мўмай даромад топишни истаб қолади. Яъни у аҳолидан пайнет хизматлари ва уяли алоқа телефонлар ёқилиши бўйича олинган нақд пулларни назорат-касса машиналари орқали ўтказмасдан, даромад ва солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириб, камайтириб кўрсатади.

М.Комилов ушбу қилмишлари билан Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобини амалга ошириш вақтида назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида"ги қарори, Президентимизнинг "Хўжалик юритувчи субъектларни бюджет билан ҳисоб-китоб юритишдаги масъулиятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини қўпол равишда бузиб, 2009 йилда 112 992 774 сўм, 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 123 458 248 сўм, жами 236 451 022 сўм миқдордаги маблағни қасддан яширади ва камайтириб кўрсатади. Текширишлар давомида яна шу нарса маълум бўлдики, М.Комилов 2009 йилда 31 256 021 сўм мукофот пулларидан 10 314 500 сўм, 2010 йилнинг 9 ойи давомида 42 092 499 сўм мукофот пулларидан 13 890 500 сўм, жами 24 205 000 сўм ягона солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, "Komfort standart plyus" шўъба корхонасига қарашли "Пайнет" шохобчасининг сотувчи-оператори Сардор Саидовнинг ҳам ноқонуний хатти-ҳаракатлари фош бўлмай қолмади. Текширишлар натижасида савдодан тушган 383 600 сўм назорат-касса машинаси хотирасига киритилмагани ва хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган 7 турдаги 294 дона 533 900 сўмлик уяли алоқа телефон аппаратларига ишлатиладиган анжомлар ҳеч қандай ҳужжатсиз сақланаётганлиги маълум бўлди.

Суд судланувчи М.Комиловнинг жуда кўп миқдорда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ҳамда товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп қийматда бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари мазкур кодекснинг 189-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади. Шу билан бирга суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги 1-сонли **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг 16-бандидаги "Жарима тарқасидаги жазо тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳоказолар инобатга олиниши лозим", деган раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, М.Комиловнинг 2-гуруҳ ногирони, оиласининг ягона боқувчиси эканлиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олди. Унга тайинланган жазоларни қоплаш йўли билан узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг 175 баравари миқдорида, яъни 7 912 625 сўм жарима жазоси ҳамда бир йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғуланиш ҳуқуқидан маҳрум этишни лозим топди.

Жиноят кодексининг 189-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган С.Саидовга эса, энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланиб, бир йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар учун юртимизда кенг имкониятлар яратилган. Фаолиятида булардан унумли фойдаланиб, қонунларга риоя этаётган тадбиркор ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Музаффар АҲМЕДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг судьяси*
**Нурхон Элмирзаева,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

**Navbatchi муҳаррир:**
Сардор ҲАМРОЕВ

**Саҳифаловчи:**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56**

Буюртма: Г-116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9512.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 22$^{00}$ Топширилди: 22$^{00}$